

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЁТИ
КАФЕДРАСИ

ИЖТИМОЙ ИШ ЙЎНАЛИШИ

“ИЖТИМОЙ ИШ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА
МЕНЕЖМЕНТЛИК” ФАНИДАН

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ҲУҚУҚИЙ
КАМСИТИЛИШЛАР**

РЕЖА:

1. Оилавий муносабатлар тушунчаси, моҳияти ва вазифалари
2. Маҳалла фаолиятида ижтимоий хусусиятлар.
3. Оилада зўравонлик ҳолатларини олдини олишнинг йўллари ва маҳалланинг ўрни.

Оила ҳақидаги таълимотга кўра, оиланинг ўзига хос шакли кишилик жамияти тараққиётнинг ҳар бир босқичида унинг унинг конкрет тарихий кўринишида мавжуд бўлган ижтимоий тузум характери билан белгиланади. Оила шакллари ўзгариши, ибтидоий жамият давридан бошлаб барча тарихий босқичларда моддий ишлаб чиқариш маънавиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги илмий адабиётларда кенг таҳлил этилган.

Лекин жамиятнинг, оиланинг моддий ҳаёт шароитлари ўзгариши ўз-ўзидан маънавий камолотга олиб келмайди. Маданий қашшоқ бўлган одам бой бўлиб қолса, бирданига маънавий камолот даражасига кўтарилиб қолмайди. Маънавият ҳам муайян ижтимоий-маданий замин негизида юксалади. Оиланинг маънавий олами ижтимоий тараққиётнинг таъсири ва унинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Маданиятли инсоннинг маънавий олами негизида ижтимоий мақсадлар, қараш ва ғоялар ётади. Улар ишонч натижасида эътиқодга, ундан ижтимоий-моддий кучга айланади. Дунёқараш моддийлашмас экан, у ижтимоий тараққиётнинг боришга таъсир қила олмайди. Оилавий муносабатлар маданияти, унинг ёш авлод маданий камолотига таъсири худди шу қонунга бўйсунди. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи кишиларнинг маънавий камолотида, жумладан, оиланинг маданий ривожланишида ўз аксини топади.

Оиланинг маданий фаолияти, уларнинг шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ижтимоий амалиётга боғлиқ ҳолда авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб, такомиллашиб боради. Зотан, инсон шахси ва унинг маданий аломининг таркиб топиши ҳам маънавиятдир. Оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида фикр юритар эканмиз, улар муайян ижтимоий-маданий тизимни тшқил этиши кўзга ташланади.

Бу тизим оиланинг ўзига хос маънавий оламини ташқил этади ва ижтимоий тузилишнинг зарраси сифатида бир-бирига таъсир қилади ҳамда ўзаро алоқадорликда бўлади. Унда барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси амал қилади.

Шу маънода, маданият шахс шаклланишининг ижтимоий механизмидир. “Маданият” тушунчасини ҳам ҳар бир давр ўзича талқин қилади ва тушунади. Чунки, ҳар бир давр ўз муаммолари, вазифалари, муайян мақсадлари, илм-фан доираси ва дунёқараши билан илгаригисидан фарқ қилади. Давр имкониятлари ва талаблари таъсирида шахс ўзининг ақлий, ахлоқий, эстетик, сиёсий, жисмоний вабошқа фазилатларини шакллантиради ҳамда намоён этади. Шахс онги, фаолияти, тафаккури тараққиёти унинг моддий ва маънавий бойликларга, мавжуд турмуш тарзига, ижтимоий ва иқтисодий тузумга бўлган муносабати белгилайди. Шахснинг аввало табиатга, жамиятга, ижтимоий ва иқтисодий тузумга, мавжуд турмуш тарзига фаол муносабати, уларни ўзгартириш ва такомиллаштиришда қатнашиши инсоннинг ўзини ҳам ўзгартириб, ақлан камол топиб, дунёқараши шаклланиб, сиёсий онги ўсиб, баркамоллик даражасига кўтарилиши учун имконият яратади. Шундай экан, “маданият” тушунчаси ижтимоий тараққиёт даражаси ва талабидан келиб чиқиб, тулича талқин қилинсада, у ижтимоий тузум тараққиёти билан узвий боғлиқдир деган илмий асосланган фикр абадийлигича қолади. Зеро, маданият бутун инсониятни шакл шамойилини белгиловчи буюк хилқат бўлиб, инсонларнинг маънавий дунёсини ифодаловчи омилдир.

Оилавий муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаши билан ижтимоий муносабатлар шахслараро муносабатни ифодалайди. Ижтимоий муносабатлар объективдир. Кишилар ўз ҳоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаётий мақсадлари ва манфаатлари тақозоси билан ўзаро муносабатга киришадилар. Ижтимоий муносабатлар жамиятнинг тузилишини вужудга келтиради. Шундай қилиб, ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини ифодалайди.

Оила эса одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир. Табиий муносабатлар дейилганда, жинсий муносабатлар, бола кўриш, иқтисодий муносабатлар дейилганда, мулкӣ муносабатлар, уй-рўзғор, ҳовли-жойни бошқариш,

ҳуқуқий муносабатлар дейилганда, никоҳни давлат томонидан қайд этиш, оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатлар назарда тутилади.

Оилавий муносабатларга даслаб оила никоҳ муносабатлари ва оила аъзолари орасидаги ўзаро табиӣ, иқтисодӣ, ҳуқуқӣ ва мулкӣ муносабатларни киритиш мумкин. Оилавий бирликда шахслар ўртасидаги алоқалар содир бўлиб, улар ҳаётда ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради. Оилавий муносабатларнинг шаклланиши жараёнига эътибор берар эканмиз, унинг маданиятини таҳлил этган ҳолда илмӣ-назарий асослари юқорида зикр этилган муносабатлар асосида шаклланишини гувоҳи бўламиз. Чунки оиладаги муҳит, унинг ижтимоӣ муносабатлар жараёни, оиланинг тузилиши, маънавий ҳолати, оила менталитети, одатларидан келиб чиқишини унутмаслигимиз керак.

Оилавий муносабатлар инсониятнинг барча тарихий босқичларида рисоладагидай шаклланган эмас, балки у ёки бу ҳолатда жамиятнинг ёки оиладаги турли ҳодисаларнинг таъсири орқали, унинг оқибатида турлича шаклланган.

Оилавий муносабатлар маданиятининг такомиллашуви жамият тараққиётига ҳамда ҳар бир оила аъзоларининг жамиятда ва оилада тутган ўрни, мавқеи, бажарадиган вазифаси, жамият ва оиланинг эркак ва аёл, фарзандларга муносабати, ғамхўрлиги, ижтимоӣ ҳимоясига боғлиқ бўлади. Оилавий муносабатларнинг ядросини ташкил этган эр-хотин муносабатларини таҳлил эъсак, бу муносабатлар жамият ва оила ўзгариши билан ўзгариб борган.

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёт босқичида ўзига хос ҳўжалик тизими ва унинг динамикаси, кишиларнинг ижтимоӣ фаолияти, турмуш-тарзи, табиӣ ўсиш қонунлари, турли демографик белгилари, уларни жамиятда тутган ўрни, таъминот тизими мавжуд бўлади. Оиланинг тузилиши, ўз навбатида, оилавий муносабатларга ва унинг маданиятининг шаклланишига бевосита боғлиқдир. Оила ўзига хос тузилишга, мураккаб ижтимоӣ хусусиятга эгадир. Чунки, у ўзида биологик ва ижтимоӣ муносабатларни уйғунлашган

ҳолда акс эттиради. Бунинг боиси шундаки, оилада эркак ва аёл, қон-қариндошлик муносабатлари билан бирга улар орқали жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар ҳам намоён бўлади. Оилани доимо ўзгариб ва ривожланиб туриши фақатгина оилага таъсир этиб турувчи муносабатларга боғлиқ бўлмасдан, ички оилавий муносабатларнинг ўзига хослигига ҳам боғлиқдир. Оиланинг демографик тузилиши унинг ижтимоий тузилишининг заминидир. Оиланинг ижтимоий тузилиши – оила аъзоларининг билим даражаси, меҳнат малакаси, яъни уларнинг ижтимоий тузилиши унинг демографик тузилишига, турмуш маданиятига, оилавий муносабатларнинг ахлоқий тақомилига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Чунки ҳар бир оила ўзининг алоҳида демографик ва ижтимоий хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Чунки у ёки бу оилада эр-хотин муносабатлари бўлмаслиги, ота-она ва фарзандлар муносабатлари шаклланмай қолиши мумкин. Шунингдек, оиланинг шахсий таркибига боғлиқ ҳолда унда эр-хотинлик, қон-қариндошлик муносабатлари турли даражада намоён бўлади. Ҳар бир оила ўз тараққиётининг турли босқичларида демографик ва ижтимоий тузилишнинг ўзгариб бориши билан оилавий муносабатлар тузилиши ҳам ўзгариб боради. Оилавий муносабатлар умумий тарзда қаралганда, эр-хотин муносабати ва ота-оналик, фарзандлик муносабатларидан иборатдир.

Оиланинг демографик тузилиши оила тури ва шаклини ифодалаб, оилавий муносабатларнинг миқдорий томонларини акс эттиради. Оиланинг ижтимоий тузилиши унинг ўзига хос хусусиятларига кўра оила турларини (ишчи, зиёли, аралаш, миллий ва байналминал) ифодалаб, оилавий муносабатларнинг сифатини акс эттиради ва алоҳида хусусият касб этади.

Мамлакатимизда мавжуд оилаларнинг аксарияти тўлиқ оилалардир. Тўлиқ оила деганда ота-она ва фарзандлардан иборат оила тушунилади. Бу типик оилага хос хусусиятдир. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳозирда ўзбек оилаларида катта патриархал оила ҳўжалиги ҳам сақланиб қоляпти. Бунда 2-3 авлод ҳўжалиги умумий бўлиб, уларнинг иқтисодий бирлигининг асоси ҳисобланган оила мулки фақат оила бошлиғи қўлида

бўлади ва ҳамма унга тўла бўйсунди. Бундай оиланинг бола тарбиясида ижобий жиҳатлари кўп.

Бу оила тури асосан оилавий муносабатларни кенг миқёсда амалга ошириш имконини берди. Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган, ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари айнан мана шундай оилаларда амалга оширилади. Бундай оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бундай оилаларда эрталаб барвақт туриш шарт. Ризқ-рўз тонгда улашилади. Иккинчидан, юз-қўлини ювмасдан ҳол-аҳвол сўралмайди, юз-қўлини ювгандан сўнг кичиклар катталарга салом берадилар. Аёллар нонушта ҳозирлайдилар, киз-келинлар ховли супуриб ишга борадилар. Бундай оилаларда оила бошлиғи ёши улуғ одам ҳисобланади. У оиладаги барча ишларни бошқаради. Бундай оилаларда катта ёшлилиар болаларга, балоғатга етган фарзандлари, келинларга очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайдилар, бачкана қилиқ қилмайдилар, пардасиз сўзларни айтмайдилар, ҳамма бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Бундай оилаларда нафақат оилавий муносабат, балки қон-қариндошлик муносабатлари маданияти ҳам юксак даражада шаклланган бўлади. Бу муносабатларда миллийликнинг асл ўзаги намоён бўлади. Бу муносабатларнинг афзаллиги яна шундаки, бунда қариндош-уруғлар билан оқибатли бўлиб яшаш, фарзандларни миллий удум, қадриятлар руҳида тарбиялаш учун имконият туғилади ҳамда улар қариндошлар орасида ҳам моддий ҳам маънавий таянч, суянч бўлиб яшашга одатланадилар. Бундай оилаларда тарбияланган фарзандлар ҳам барча билан муносабатда тезда киришиб кета оладиган, муносабат маданиятига риоя этадиган инсон бўлиб шаклланадилар, чунки бу болаларни битта оила эмас, бир неча оила тарбиялайди. Бу эса оила мустаҳкамлигини асослаш билан бирга унинг моҳиятини ҳам белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин ўтган давр ичида ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта муваффақиятларга эришилади. Бироқ, бу ишлар ўз-ўзидан амалга

оширилаётгани йўқ. Бунинг учун энг тўғри йўлни танлай билиш, барча соҳадаги, шу жумладан, демографик жараёнлардаги ўзига хос хусусиятларни ҳар тмомнлама асосланган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Зеро, илмий асосланган демографик сиёсатнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш, оилани ижтимоий ҳимоя қилиш, республика ичида маҳаллий аҳолининг миграцион ҳаракатчанлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, қишлоқда иш билан бандликни ижтимоий-демографик жиҳатларини шакллантиришни тақазо этади. Қолаверса, аҳолининг кўпайиб боришида оила асосий ўринни эгаллайди. Демографик сиёсатнинг асосий мақсади оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг фаровонлигини оширишдан ибрат бўлмоқда. Қолаверса, бундай сиёсат Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятини, аҳоли сифат таркибини яхшилашни, соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш ва рағботлантиришни назарда тутди.

1. Оилавий муносабат маданиятининг такомиллашуви ҳар бир жамиятда мавжуд оила типи, иқтисодий тараққиёти ва ўзига хослиги, ҳўжалик тизими, турмуш тарзи, табиий ўсиши, турли демографик белгиларга бевосита боғлиқ бўлади.

2. Ўзбек оилаларининг ўзига хос хусусияти Шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари маданиятидан иборатдир.

3. Ўзбек оилаларида серфарзандлик улуғланади. Эрта никоҳдан ўтиш одат бўлиб, никоҳсиз яшаш қораланади. Бу ҳам республикада аҳолининг табиий ўсиши юқорилигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида республикада аҳолини иш билан таъминлаш ўткир муаммолардан бирига айланган. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши ўткир муаммолардан бирига айланган. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши оиланинг моддий аҳволини яхшилаш борасида унинг ижтимоий шаклланиш хусусиятларини аниқ ишлаб чиқишликни тақазо этади.

Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишга катта эътибор берган ва бермоқда. Инсон борлиқдаги барча нарсалар ичида энг улуғи ҳисобланади. Инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса, ёш авлодни камолотга етказишда миллий-маънавий маданиятимизнинг тикланиши ва ривожлантирилиши муҳим ўрин тутди.

Бу борада асосий урғуни оилага берилиши ҳам бежиз эмас. Юқоридаги бобларда таъкидлаганимиздек оила муқаддас хилқат сифатида таърифланиши, “Оиладан бошланур Ватан” деб айтилиши оиланинг ҳаёт мазмунига айланганлиги бу тарихий жараёнлар воситасида бугунги кунимизга ўз анъаналари, урф-одатлари билан етиб келганлиги диққатга сазовордир. Оиланинг мазмун моҳияти унинг ичидаги ижтимоий-маънавий, демографик ҳолатлар орқали асосланади ва яшаш турмуш тарзини белгилайди.

Оиланинг шаклланишида, ижтимоий-маънавий тарбиясида, фарзандлар камолотида маҳалланинг ўрни катадир. Муҳтарам президентимиз бу борада жуда кўп ижобий фикрларни айтганларки, маҳалла фаоллиги оила мустақамлигининг таянчи эканлиги ҳар бир кунимизнинг шиориға айланиб қолган. Ҳар бир ота-она фарзандини баркамол бўлиб вояға етишини истайди. Шарқ мамлакатлари уламолари, мутафаккирлари бола тарбиясига жуда катта эътибор бериб, халқ педагогикасининг ўзагини шакллантиришга ҳисса қўшганлар.

“Бир болага етти маҳалла жавобгар” деган халқ нақли ўз ичига кўп маънони қамраб олган. Маҳалла, оила ҳамкорлиги бўлажак авлоднинг қандай бўлиши, ота-она ва яқин қўшниларнинг танбеҳлари йўналишларининг барчаси фақат яхши ниятда бўлишини кўрсатган.

Ота-боболаримиз болага ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмаганлар, зўравонлик ишлатмаганлар. Оҳиста ширин овоз билан “ёмон бўлади” деган биргина ибора орқали тарбия ўғитларини сингдирганлар, зўравонлик орқали ўз мақсадларига эришганлар.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида Отабек ва отаси, ота ва она ўртасидаги муносабатлар ҳеч бир уруш-жанжалсиз ўта нозик даврдаги тарбиянинг мураккаб ва серқирра томонларини очиб берган.

Оилада фарзанднинг тарбиявий ва таълим тараққиётига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- А) ота-оналарнинг саводхонлиги;
- Б) оиладаги болалар сони;
- В) оиланинг тўлиқ ва тўлиқсизлиги;
- Г) ота-оналарнинг маънавий, ахлоқий шакланганлиги даражаси;
- Д) ота-оналарнинг касбга нисбатан масъулияти;
- Е) оиланинг моддий таъминланиши.

Ота-онанинг аҳиллиги, маҳалладаги катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, кичикларга ғамхўрлиги оилавий тарбия асосини ташкил этади. Бу аҳиллик муносабати ҳар бир оилага ўз таъсирини ўтказа олади. Фарзандлар буни таъсирини сезган ҳолда муносабатини билдирадилар. Орқаларида аниқ таъсир этувчи куч борлигига ишонадилар ва шу зайлда фаолият кўрсатадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, оилавий тарбиянинг самарадорлиги болаларнинг тарбияси учунгина сарфланган вақт билан ўлчанмай, балки оиланинг ижтимоий босқичи билан ота-оналарнинг маҳалладаги обрўси ва уларнинг маънавий-ахлоқий даражаси билан аниқланади. Бундан ота-оналарнинг катта кишиларнинг бола тарбияси юзасидан бурч масъулиятини чуқур ҳис қилишлари етакчи мезондир. Аниқроқ қилиб айтганда, оила даврасида маҳаллада ота-онанинг ижобий фазилат ва муносабатлари болаларнинг тўғри тарбияланишини бирламчи ва зарурий шартидир. Шу билан бирга кенг жамоатчилик, яъни маҳалла халқ педагогикасига таянган ҳолда, тажрибаларини ёшлар онгига сингдириш, оиладаги низоли вазиятларини олдини олиш, оиланинг моддий аҳволи, маълумотга эга бўлиши лозим. Зеро, буларнинг барчаси, юқорида таъкидланганидек, бола тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади. Жойларда фаолият кўрсатаётган

махалла фуқаро йиғини раислари, хотин-қизлар кўмиталари аъзолари, албатта, педагогик-психологик билим ва кўникмаларга эга бўлишлари шарт.

Хулоса

Маълумки, ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини ифодалайди. Оила эса одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳукукий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир. Оилада эр-хотин билан бирга болаларнинг бўлиши типик оилани вужудга келтиради. Ота-оналар ва болалар ҳар тарафлама жипслашган оила бирлигини ташкил этади. Шунга кўра, оилавий муносабатлар тизимида табиий, ахлоқий-эстетик, психологик муносабатларни фарқлаш мумкин.

Оила муносабатларида руҳий ҳолат муҳимдир. Эр-хотин ўртасидаги севги-муҳаббат ҳиссиёти, ота-оналик, фарзандлик меҳри, оилада фарзанд тарбиясида асосий омил ҳисобланади. Ўзбек оилаларида серфарзандлик улуғланади. Оилада шаклланган одоб-ахлоқ масаласига Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов куйидаги фикрларни билдиради: - “Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, дин пешволарининг обрў-эътибори, маҳалланинг ўрни, ҳамма ҳаммаси, ҳар қандай ҳаракатларга қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим”.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, оилада фарзанд тарбиясида зўравонлик ҳолатларини келиб чиқишига қарши ҳатти-ҳаракатларни олдини олиш борасида маҳалланинг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур бўлади. Маҳалла фаоллиги оила мустаҳкамлигининг таянчи эканлигига ҳар бир кунимизнинг шиорига айланиб қолган. “Бир болага етти маҳалла жавобгар” деган халқ нақли ўз ичига кўп маънони қамраб олган. Маҳалла – оила ҳамкорлиги, яқин қўшниларнинг танбехлари барчаси фақат яхши ниятда бўлади ва фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-боболаримиз болага ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмаганлар, зўравонлик

ишлатмаганлар. Оҳиста ширин овоз билан “Ёмон бўлади” деган биргина ибора билан тарбиявий ўғитларни сингдирганлар, зўравонлик мақсадида муомала қилмаганлар.

Хулоса қилиб айтганда оила даврасида, маҳаллада ота-онанинг ижобий фазилат ва муносабатлари маҳалла аҳлининг жипслиги, болаларнинг тўғри тарбияланишини зарурий шартидир. Бу борадаги оиладаги низоли вазиятларни олдини олиш, оиланинг моддий аҳволи, маънавий сифатларига эътибор бериш, фуқаролик йиғини раислари, хотин-қизлар, комиссиялари маҳалла фаолларининг педагогик-психологик билимлари ва тажрибаларига боғлиқдир. Бугунги жамиятимизнинг ядроси саналмиш, оилаларни бутунлигини сақлаш, фарзандлар тарбиясини, соғлом авлод тарбиясининг асосий мезони бўлмиш маънавий тарбияни ташкил этиш фақат ота-оналарни бурчи бўлибгина қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг асосий вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон” 1997
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., “Ўзбекистон” 1996
3. Маҳмудов Р. “Ҳуқуқ ва маданият”. Т., “Ўзбекистон” 1994
4. Холматова М. “Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси”. Т., “Ўзбекистон” 2000
5. Маннопов С. “Оила ва оилавий муносабатлар социологияси”. Маърузалар матни. (Ижтимоий иш йўналиши учун). Фарғона 2007